

ЖИНОЙ ҲАРАКАТЛАР ОҚИБАТИДА ЕТКАЗИЛГАН МОДДИЙ ЗАРАРНИ ҚОПЛАШ МАСАЛАСИНИНГ МАЗМУН ВА МОҲИАТИ

Самандаров Кудрат Базарбаевич

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги подполковниги

<https://doi.org/10.5281/zenodo.7110343>

Аннотация. Мақолада жиноят процессуал кодекси талаблари асосида амалга ошириладиган мулккий зарарни қоплашда мол-мулкни хатлаш тергов ҳаракатининг мазмун моҳияти, назарий тушунчалари ва унинг бугунги кундаги амалиётдаги мавжуд муаммолар ва уларни ечимлари юзасидан муаллиф фикрлари баён этилган. Шунингдек, қонунчиликдаги мавжуд бўшлиқларни тўлдирishi бўйича таклиф ва тавсиялар берилган.

Калит сўзлар: хатлаш, терговчи, суриштирувчи, омонат дафтарча, зарар, мол-мулк, баённома, далиллар, миқдор.

СУЩНОСТЬ И ЗНАЧЕНИЕ ВОПРОСА О ВОЗМЕЩЕНИИ МАТЕРИАЛЬНОГО ВРЕДА, ПРИЧИНЕННОГО В РЕЗУЛЬТАТЕ ПРЕСТУПНЫХ ДЕЙСТВИЙ

Аннотация. В статье анализируется авторский взгляд на сущность и теоретические понятия акта о наложении ареста на имущество за материальный ущерб, который осуществляется на основании требований УПК, а также существующие проблемы и пути их решения в современной практике. Также, разрабатываются предложения и рекомендации по восполнению существующих пробелов в законодательстве.

Ключевые слова: арест имущества, следователь, дознаватель, депозитная книжка, ущерб, имущество, протокол, доказательства, сумма.

ESSENCE AND MEANING OF THE ISSUE OF COMPENSATION OF MATERIAL DAMAGE CAUSED AS A RESULT OF CRIMINAL ACTIONS

Abstract. In the article, the author's opinion on the essence and theoretical concepts of the interrogative act of seizure of property for material damage, which is carried out based on the requirements of the Code of Criminal Procedure, as well as the existing problems and their solutions in today's practice, are analyzed. In addition, proposals and recommendations are developed to fill existing gaps in the legislation.

Keywords: seizure of property, interrogator, investigator, deposit book, damage, property, minutes, evidence, amount.

КИРИШ

Жиноий ҳаракатлар оқибатида етказилган моддий зарарни ундириш турли шакллардаги мулкнинг дахлсизлигини таъминлашда, давлат ҳамда фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоялашда муҳим аҳамият касб этади. Жиноят-процессуал кодекснинг бешинчи бўлимида тартибга солинган жиноят натижасида етказилган моддий зарарни қоплаш механизмида фуқаровий даъво институти муҳим ўрин эгаллайди [1].

ТАДҚИҚОТ МАТЕРИАЛЛАРИ ВА МЕТОДОЛОГИЯСИ

Етказилган мулккий зиён ва жисмоний зарарни фуқаровий даъво қўзғатиш йўли билан ундириш фаолияти бундай даъво тақдим этиш ва қабул қилиш, шахсни фуқаровий даъвогар деб эътироф этиш, тақдим этилган даъводаги талабларни асослаш, уларни таъминлаш бўйича зарур чоралар қабул қилиш ва ҳоказоларни ўз ичига олади. Ушбу фаолият фуқаровий даъвогарлар, фуқаровий жавобгарлар ва уларнинг вакилларининг жиноят иши бўйича

дастлабки тергов ва суд муҳокамаларида фаол иштирокини талаб қилади[2].

Жиноят процессида фуқаровий даъвонинг моҳиятини белгилаб олиш учун, аввал “даъво” тушунчасининг моҳиятини англаб олиш зарур бўлади. “Даъво” асли арабча сўз бўлиб, ўз ҳақ-ҳуқуқини ҳимоя этиш ҳақида суд орқали ёки бошқа йўллар билан қўйилган талаб тушунилади. Шунингдек, замонавий ҳуқуқда даъво (лот. “actio” – даъво, “actionare” – суд муҳофазасини излаш) барча суд иш юритувлари учун хос бўлган турдош тушунча ҳисобланади [3].

Жиноят процессида фуқаровий даъво дейилганда бевосита жиноят туфайли ёки ақли норасо шахснинг ижтимоий хавфли қилмиши натижасида моддий, жисмоний ёки маънавий зарар кўрган шахснинг, унинг қонуний вакили ёхуд унинг манфаатлари асосида прокурорнинг айбдорга ёки моддий жавобгар шахсга нисбатан етказилган моддий ва жисмоний зарарни қоплаш учун жиноят иши кўзғатилган пайдан бошлаб то суд муҳокамаси жараёни тугагунига қадар билдириладиган ва жиноят ишини юритишга масъул бўлган давлат органлари ва мансабдор шахслар томонидан ҳал қилиниши лозим бўлган талаби тушунилади.

ТАДҚИҚОТ НАТИЖАЛАРИ

Шу билан бирга, айрим судлар ҳар доим ҳам фуқаровий даъвони таъминлаш чораларини кўрмайдилар, тергов органлари томонидан мол-мулкни ўз вақтида хатламаслик ҳолларига баъзан тегишли муносабат билдирмайдилар, зарарнинг миқдори ва хусусияти тўғрисидаги далилларни тўлиқ текширмайдилар, фуқаровий даъволарни етарли асосларсиз кўрмасдан қолдирадилар, жиноят оқибатида қўлга киритилган маблағ эвазига зарарни қоплаш мумкинлиги масаласини ҳамма вақт ҳам муҳокама этмайдилар, фуқаровий даъво кўзғатилмаган ҳолларда етказилган мулкий зарарни ундириш масаласини ўз ташаббуслари билан ҳал қилмайдилар, биргаликда содир этилган ҳаракатлар натижасида зарар етказган шахсларнинг солидар жавобгарлиги ҳақидаги қонун талабларининг бузилишига йўл қўймоқдалар.

Жиноят ишини судда кўриш учун тайинлаш жараёнида суд фуқаровий даъво кўзғатилгани ва жиноий ҳаракат оқибатида етказилган моддий зарарнинг ундирилишини таъминловчи чоралар кўрилгани ҳақидаги масалаларни аниқлаши зарур [4]. Агар суриштирувчи ёки терговчи фуқаровий даъвони таъминлаш чораларини кўрмаган бўлса, суд ЖПКнинг 290-моддаси талабига биноан ўз ташаббуси билан бу чораларни кўради ёки тегишли органлар зиммасига моддий зарарнинг қопланишини таъминлаш чораларини кўриш мажбуриятини юклайди ва бу ҳақда ажрим чиқаради.

Айбдор шахсларнинг мол-мулкни хатлаш мулкий зарар қопланишини таъминлашнинг муҳим шаклларида ҳисобланади. Иш материалларида мол-мулк рўйхатининг йўқлиги мулкий зарарни қоплаш тўғрисидаги масалани кўрмасдан қолдиришга асос бўла олмайди, чунки бундай мол-мулк ҳукм ижроси жараёнида ҳам аниқланиши мумкин. Шу билан бирга, судлар хусусий ажрим чиқариш йўли билан суриштирув ва тергов органлари томонидан айбдор шахсларнинг мол-мулкни хатлаш чорасини кўрмаганлиги ёки ўз вақтида кўрмаганлиги тўғрисидаги ҳар бир ҳолатга муносабат билдиришлари лозим.

Моддий зарар судланувчи ва жиноят ишининг қисми алоҳида иш юритувга ажратилган шахснинг биргаликдаги жиноий ҳаракатлари натижасида етказилган ҳолатда суд зарарни тўла қоплаш мажбуриятини маҳкум зиммасига юклайди. Иши алоҳида юритувга ажратилган шахсга нисбатан кейинчалик айблов ҳукми чиқарилаётганда суд

унинг зиммасига муқаддам судланган маҳкум билан биргаликда зарарни (солидар) қоплаш мажбуриятини юклатиши мумкин.

МУҲОКАМА

Жиноят содир этиш ёки ақли норасо шахснинг ижтимоий хавфли қилмиши натижасида мол-мулки йўқолган ёки шикастланган шахс вафот этган тақдирда унинг меросхўрлари жиноят процессида фуқаровий даъво кўзғатиш ва уни қувватлаш ҳуқуқига эга бўлади.

Агар зарар бир неча шахснинг биргаликдаги ҳаракатлари туфайли етказилган бўлса, жиноят ишида бир неча шахсга даъво қилиниши мумкин. Бунда шуни эътиборда тутиш лозимки, фақат биргаликдаги ҳаракатлари билан зарар етказган шахсларгина жиноят процессида даъво бўйича биргаликдаги жавобгарликка тортилишлари мумкин. Ўшанда ҳам уларнинг барчалари иш бўйича айбланувчи, судланувчи бўлишлари керак.

Жиноят процессида фуқаролик даъвоси қилинганда, кўриб чиқилганда ва ҳал қилинганда давлат божи олинмайди. Жиноят процессида фуқаролик даъвосини қилмаган шахс, шунингдек даъвоси кўриб чиқилмай қолдирилган шахс даъвони фуқаролик судлови тартибида қилишга ҳақлидир.

Суд процесснинг фаол иштирокчиси ҳисобланади ва ишнинг ҳақиқий аҳволини, манфаатдор томонларнинг ҳақиқий ҳуқуқлари ва ўзаро муносабатларини аниқлаши, яъни объектив ҳақиқатни билиб олиши керак. Ушбу мақсадларда у тарафлар тақдим этган ҳужжатларни кўриб чиқиш ва уларнинг тушунтиришларини тинглаш билан чекланмай, ҳуқуқий қоидалардан беҳабарлиги ёки бошқа ҳолатлардан улар ўзларига зарар келтирадиган тарзда фойдаланмасликлари учун уларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини муҳофаза қилишда уларга кўмаклашиши керак [5]. Бунда фуқаровий даъво жиноят процессининг барча принциплари (ошкоралик, бевоситалик, тортишув ва шу кабилар)га риоя этган ҳолда кўриб чиқилади.

Жиноятдан жабрланган шахс суд муҳокамасида икки марта иштирок этиш заруратидан ва, бинобарин, содир этилган жиноятнинг ҳолатларини текшириш билан боғлиқ муайян ҳаяжонларга дучор бўлишдан, шунингдек одатдаги машғулотларидан чалғишдан озод бўлади. Ўз талабларини исботлашдан иборат вазифаси анча осонлашади, чунки ушбу талабларга асос бўлиб хизмат қилувчи жиноят содир этилганлиги фактини терговчи ва прокурор исботлайди.

Жиноят предмети бўлган мол-мулк, агар аввалги эгасига қайтариб берилиши лозим бўлмаса, суд ҳукми билан давлат эгалигига ўтказилади. Бу мол-мулк топилмаган бўлса, суд ҳукми билан, жиноят иши тугатилган бўлса, суднинг фуқаровий суд ишларини юритиш тартибида чиқарган ҳал қилув қарорига кўра унинг қиймати давлат фойдасига ундирилади. Айбланувчи жиноий йўл билан орттирган пуллар, буюмлар ва бошқа бойликлар суд ҳукми билан етказилган мулкий зиённи қоплаш учун сарфланади, зиённи қоплашдан ортган сумма эса давлат фойдасига ўтказилади.

Жиноят предмети бўлмиш мол-мулк учинчи шахсларда топилиб, улардан тортиб олинган ва тегишлигига қараб, қайтарилган бўлса, судланувчи томонидан ушбу мол-мулкни сотиш йўли билан орттирилган пуллар, буюмлар ва бошқа бойликлар суд ҳукми билан давлат эгалигига ўтказилади.

ХУЛОСА

Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 290-моддаси иккинчи ва учинчи қисмларида хатланиши мумкин бўлмаган мулк турлари санаб ўтилган. Жумладан, гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчи ва фуқаровий жавобгар оиласининг нормал турмушини таъминлаш учун зарур бўлган уй-жой, квартира, уй анжомлари ва жиҳозлари, кийим ва буюмлар хатланмайди.

Турар жойлар ёки яшаш учун мўлжалланмаган жойлар, мулк шаклидан қатъи назар, давлатга хоинлик қилиш, конституциявий тузумга, Ўзбекистон Республикаси Президентига тажовуз қилиш, терроризм, кўпуровчилик жиноятлари содир этиш учун фойдаланилган ёхуд бу жиноятлар қасдан одам ўлдириш, боқинчилик, талончилик ёки бошқа оғир, ўта оғир жиноятлар билан боғлиқ бўлган ҳолларда бу жойлар хатланади. Мол-мулкни хатлаш ўз моҳиятига кўра, мулкдорга ёки мол-мулкнинг эгасига мол-мулкни тасарруф қилиш, зарур ҳолларда эса ундан фойдаланиш ман этилганлигини эълон қилишдан ёхуд мол-мулкни тортиб олишдан ва уни тегишли ваколатга эга ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга ҳамда бошқа шахсларга сақлаб туриш учун топширишдан иборатдир. Дастлабки тергов жараёнида мол-мулкни хатлаш фуқаровий даъвони таъминлаш воситаси ҳисобланади.

REFERENCES

1. Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодекси. 1994 йил 22 сентябрь. <https://lex.uz/docs/111460>
2. Жиноятларни тергов қилиш методикаси: Маърузалар курси / Д. М. Миразов, Х. А. Тураббаев, Ш. Т. Джуманов ва бошқ. – Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2017. – 228 б.
3. Раҳманкулов А.Х. Миразов Д.М. Дастлабки тергов: Дарслик. – Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2012. – 455-б.
4. Ўзбекистон Республикасининг «Суриштирув институти такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги 2017 йил 6 сентябрь ЎРҚ-442-сон Қонуни // Халқ сўзи. – 2017. – 7 сент.
5. Ўзбекистон Республикасининг жиноят процесси: Дарслик / Б.А.Миренский, А. Х. Раҳманкулов, Д. М. Миразов ва бошқ. – Т., 2012. – 607 б.
6. Жиноий ҳаракатлар оқибатида етказилган моддий зарарни қоплаш масаласига доир суд амалиёти тўғрисида Ўзбекистон республикаси олий суди пленумининг қарори. 1998 йил 11 сентябрь, 21-сон.